# 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Высшее благо медицины – здоровье

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана





Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган   E-mail: uzss@inbox.ru   2008 йил 4-10 март   № 9 (577)   Сешанба кунлари чиқади


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи "Ёшлар йили" Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда).



## *Азиз аёллар!*

***Умр фаолиятини тиббиётимиз равнақи ва истиқболи учун бахшида этаётган, бебаҳо вақти ҳамда соғлигини аямасдан ҳаёти қил устида турган бемор қалбларга малҳам бўлаётган, жонкуяр, фидойи, сабр-тоқатли ва меҳрибон шифокору ҳамшира аёлларимизни нафосат ва гўзаллик айёми 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этаман.***

***Жамият ва оилада ўзининг ақлу заковати, метин иродаси, яратувчанлигу ташаббускорлиги ила ҳурмат-эътибор топаётган аёлларимизни бугун қанчалик эъзозламайлик, уларнинг она-юрт, Ватанимиз фаровонлиги ва халқ саломатлиги йўлида қилаётган беназир меҳнатлари ҳар қанча эътирофга муносиб. Ана шундай мунаввар кунларда илиқ ҳаяжон ила шодлик нашидасини улашаётган барча аёлларимизни яна бир бор баҳор байрами, қолаверса, янгиланиш ва яшариш фаслининг илк кунларидаги қутлуғ сана билан табриклаб, уларнинг хонадонига тинчлик-тотувлик, оилавий бахт ҳамда эзгу ишларида ютуқлар тилаб қоламан.***

**Феруз НАЗИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.**

## *УЛЫБКА ЖЕНЩИНЫ*

*Улыбка женщины,*
*что чище может быть?*
*Улыбку женщины*
*кто может не любить?*
*Улыбка женщины*
*согреет Вас теплом,*
*Улыбка женщины*
*осветит все кругом.*
*Улыбка женщины,*
*что может быть нежней?*

*Красу морей и*
*неприступность скал,*
*Сиянье звезд могу*
*сравнить ли с ней?*
*И тот, кто единения*
*искал.*
*Нашел в ней мир*
*загадки и любви.*
*Улыбкой женщины,*
*мир голубой, живи!*

## *СЕНИ КУЙЛАЙМАН*

**Баъзида нозиксан қизғалдоқдан ҳам,**
**Кўнгиллар мулкида яйраган тимсол.**
**Меҳринг ҳам беқиёс, муҳаббатинг ҳам,**
**Сенсиз бу дунё – дунёми, аёл?**

**Ялпизу райҳонлар ўпар изингни,**
**Измингда ҳаётнинг бешиги, беги.**
**Тебратувчи ўзинг, асровчи ўзинг,**
**Сенсиз гўзалликнинг йўқдир кераги.**

**Баъзида бўласан ҳиссиз, бешафқат,**
**Бефойда қўлларда бўлганда эрмак.**
**Ҳайрон кўзларингда кўраман ҳасрат,**
**Сенсиз муҳаббат ҳам афсона, эртак.**

**Мўътабар аёлсан, қордек оқ кўнглинг,**
**Бугуним, эртамсан ва ширин хаёл.**
**Меҳрибон онамсан, дардкашим-синглим,**
**Ким бўлма, суюксан, буюксан – аёл!**

**Мард, ботир ўғлонга суюкли эрка,**
**Олтин остонангга ўзингсан бека.**
**Сени иноятдан қисмасин, Эгам,**
**Аллоҳ паноҳида асрасин, АЁЛ!**

**Раъно ҚУРБОНОВА,**
**Сирдарё вилояти, Боёвут тумани.**

## ОНА МАДҲИ

**Сенинг бир номинг муҳаббат, бир номинг матонат,**
**Бир номинг жасоратдир, бир номинг садоқат.**
**Бир номинг онадир, бир номинг ҳаёт,**
**Бир номинг латофату бир номинг нафосат.**

## Бизнинг расмий веб сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
№ 9 (577)
2008 йил
4 март

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойни ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2898-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига "Ёшлар йили" Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда "Ёшлар йили" Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш. М. Мирзиёев):

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда "Ёшлар йили" ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича "Ёшлар йили" Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлари ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрнини эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль.



*Признание*

# ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ МЕДИЦИНЕ

**Женщина – это олицетворение красоты, нежности, доброты. Она хранительница домашнего очага, заботливая мать и в то же время она добросовестно справляется со своими профессиональными обязанностями. И сегодня, в канун праздника самой прекрасной половины человечества, я хочу рассказать историю жизни и деятельности Наимахон МАХМУДОВОЙ, которая является именно такой женщиной.**

Я – ровесник Наимахон Махмудовой. В трудные послевоенные 1945-1951 годы мы учились на одном курсе лечебного факультета Ташкентского Государственного медицинского института. Тогда она была одной из самых красивых, но в то же время самой скромной нашей сокурсницей. Наимахон была дочерью яркого представителя узбекской интеллигенции 20-30-х годов XX века – поэта и общественного деятеля Махмуда Ходиева-Боту. Отец и мать Наимахон были репрессированы в жестокие 30-е годы, и надо знать то время, чтобы оценить подвиг этой девушки, которая, имея родителей – "врагов народа" – смогла поступить на учебу в институт. Таких просто не принимали! Видимо, это и наложило свой отпечаток на характер Наимахон, на ее целеустремленность, трудолюбие, упорство, стремление, желание и умение преодолевать трудности. Наимахон воспитывалась у бабушки, отец был расстрелян в 1938 году, мать Валентина Петровна только в 1958 году была реабилитирована.

Наимахон закончила институт одной из первых и по распределению 23-летняя девушка отправилась на работу в Хорезм, где началась ее самостоятельная работа на врачебном поприще: сначала невропатологом, преподавателем медицинского училища, затем – замужество и переезд в Ургутский район Самаркандской области, где ей пришлось переквалифицироваться в инфекциониста, бороться с уже почти позабытыми сегодня дифтерией, брюшным тифом, полиомиелитом, малярией.

Будучи главным врачом сначала Ургутской районной, а затем Самаркандской областной СЭС, Наимахон приложила немало усилий для ликвидации вспышек этих инфекционных болезней, ее труд был отмечен благодарностями и правительственными наградами, в 1963 году она стала одним из руководителей здравоохранения республики, проработав на посту заместителя министра до 1971 года.

На эти годы пришлись и вспышка холеры в Каракалпакстане и Хорезме, когда ей пришлось руководить всей организационной работой Минздрава по мобилизации сил, специалистов, ресурсов для ликвидации очагов заболевания – сказался ее опыт инфекциониста – организатора, накопленный в годы работы в Самаркандской области; и страшное землетрясение 1966 года, когда Наимахон возглавила работу по развертыванию в Ташкенте новых остро необходимых больниц. По ее предложению были развернуты больницы неотложной помощи, 17-я городская больница и лицей ТашПМИ, НИИ эпидемиологии и инфекционных болезней, детская больница №5 и многие другие.

По инициативе и самом деятельном участии заместителя министра здравоохранения Республики Узбекистан Наимахон Махмудовой в Ташкенте в 1966 году был открыт НИИ педиатрии, акушерства и гинекологии, а в 1971 году – Ташкентский педиатрический институт.

Особый организаторский талант, инициатива и трудолюбие Наимахон проявились в годы ее работы руководителем профсоюзов Узбекистана. На эти годы пришлось открытие новых детских лагерей отдыха, проведение крупных фестивалей и спортивных состязаний, профсоюзных здравниц, таких, как санаторий "Зоомин", новые корпуса санаториев "Чинабад", "Турон", "Ситора-и-Мохи Хоса".

При многих крупных предприятиях, вузах открылись санатории, профилактории, диетические столовые; развился туризм, построены туристические гостиницы в Ташкенте, Самарканде, Бухаре, Андижане, Фергане.



**Наимахон Махмудова в кругу студентов.**

Занимая высокие должности, она представляла Узбекистан в более чем 20 странах мира. Надо отметить, что единственный в Центральной Азии НИИ охраны труда был открыт в Ташкенте благодаря стараниям и настойчивости Наимахон Махмудовой.

С 1986 года доктор медицинских наук Наимахон Махмудова на педагогической работе заведует, а с 1999 года работает профессором кафедры социальной гигиены и организации здравоохранения медицинского педиатрического института. Где бы ни работала Наимахон Махмудова, она везде и всегда отличается активностью, высоким чувством ответственности за выполняемую работу. Заслуги Наимахон Махмудовой были высоко отмечены правительством Республики Узбекистан, а в 1995 году она была награждена орденом "Соғлом Авлод учун".

***Вся жизнь и профессиональная деятельность Наимахон Махмудовой проникнуты служением своей профессии, своему делу, народу. Это яркий и достойный образец для подражания. Здоровья и долгих лет жизни Вам на радость всем нам, дорогая Наимахон!***

**Уткир ШАРАПОВ,**
**доктор медицинских наук,**
**профессор кафедры внутренних болезней**
**Ташкентского медицинского педиатрического института.**
**Фото Намоза ТАЛИПОВА.**

*Дилдан суҳбат*

# ЖАМИЯТ ҚИЁФАСИДА АЁЛ РУҲИЯТИ

***Аёл... У она, уй бекаси, тадбиркор ва жамоада раҳбар... Қандай касбда фаолият юритишидан қатъи назар, аёл ўз нафосати, меҳру муҳаббати ила борлиқни ўзида жо эта олади. Зеро, «Дунёни гўзаллик қутқаради», деб бежизга айтилмаган. Аёл гўзаллик тимсолидир. Бугунги суҳбатдошларимиз ҳам гўзалликни севувчи, ундаги бор ҳикматни ақлу заковат бобида енгувчи, ҳам оиласи, ҳам жамоасида ҳурмат-эътибор топаётган жонкуяр инсонлардир.***



## *Байрам саҳифасининг бугунги меҳмонларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:*

**1. Аёлнинг давр билан ҳамоҳанг тарзда руҳиятидаги ўзгаришларни нималарда кўришимиз мумкин?**

**2. Аёл ва жамият. Бу икки тушунчанинг ҳаёт-фаолиятингиздаги ўрни нечоғлик муҳим?**



**Анора БОБОМУРОДОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати:**

**– Аёлларимизнинг** бугунги руҳиятида, аввало, қатъийлик, замон билан ҳамнафас яшаш иштиёқи баланд ва кучлироқ эканлигини кўрамиз. Лекин оила аталмиш қўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбияси-ю, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатига боғлиқ. Аёл бугун она, уй бекаси, раҳбар, моҳир ташкилотчи ва ташаббускор ходима. Унинг руҳиятида эртанги кун нафаси, янгиланиш ва ўзгарувчанлик бахти ҳукмрон. Мен кўпроқ халқ билан ишлаганимда, ана шундай изланувчан, руҳи тетик, юрагида жўшқинлик сезилиб турган аёлларимизни кўриб, севинаман, ҳавас қиламан. Назаримда, ҳар бир кун ҳаммамиз учун руҳиятнинг янгиланиши ва камол топишидир.

**Аёл ва жамият.** Бу худди эгизак мисол бир-бирига уйғун. Чунки, аёл қайси соҳада фаолият юритмасин, у жамиятнинг узвий бирлиги сифатида тараққиётнинг бош мезони ҳисобланади. Жамият фақат ривожланишда, унинг истиқболи ва фаровонлигини таъминлаш эса аёлларнинг руҳиятида кечадиган ўзгаришлар билан боғлиқ. Оиламизни аёлсиз тасаввур қила олмаганимиздек, жамиятимизни ҳам уларсиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, кенг имконият ва шарт-шароитларни яратиб бериш доимо эътиборимизда бўлиб келган ва келмоқда. Аёл бугун мустақил, у эркин ва жамиятнинг ишончли аъзоси. Бу қонуният оддий сайловчиларимдан тортиб, раҳбар ходимларгача бўлган поғонада мустаҳкам. Қаерга бормай, аёлнинг обрў-эътибори, матонат ва иродаси, жамият ривожига қўшган озгина ҳиссаси бўлса ҳам қадрлаш кераклигини, уларга иззат-икром кўрсатиш кундалик воқеликка айланишини бот-бот таъкидлайман. Аёлни ардоқлаш билан унинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга эришсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Лола ЖАЛОЛОВА, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгашининг ташкилий бўлим мудири, раис ўринбосари:**

**– Аёлнинг бугунги руҳиятида** истиқлол насимларидан баҳра олгандек сўзлари қатъий, юракларида ўзларига ишонч ва орзу-ҳавас яшаяпти. Уларни кўриб қувонасан, бири тадбиркорлиги билан эл корига яраётган бўлса, иккинчиси ташаббускорлиги билан элдошларига нафи тегяпти. Деҳқон аёлидан тортиб, давлат хизматчисининг қалбигача давр руҳига мос яратувчанлик ҳукмрон. Бу эса, нафақат уларнинг ўз оиласи, балки, жамият тараққиётига қўшаётган мислсиз хизматларидир, деб биламан. Назаримда, энг муҳими ҳам шу.



**Оиладаги муҳитнинг соғломлиги,** аввало, аёлга боғлиқ бўлганидек, жамиятдаги маънавий муҳитнинг фаровонлиги ҳам бевосита аёлнинг ақлу заковатига боғлиқ. Марказий кенгашимизнинг бош мақсади ҳам соҳа аёлларини ижтимоий, иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш экан, уларга давлат томонидан берилган имтиёзлардан нечоғлик баҳраманд бўлишларини таъминлаш вазифаси устувор этади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббиёт муассасалари билан Марказий кенгашимиз ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг ҳам асосий эътибори хотин-қизларимизнинг қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Элга нафи тегаётган тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий-ижтимоий манфаатлари билан фаолиятим бевосита уйғунлашиб кетган экан, бу албатта, катта масъулият талаб этади. Мен ана шу ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиляпман.

Ўзим шифокорман. Шифокор аёлнинг қалби ва дунёси ҳамиша куч-ғайратга, қайноқ меҳрга ташна бўлганидек, унинг юрагида шеърият, санъат илҳомлари доим барҳаёт бўлиб туради. Баҳорнинг илк кунларида аёлларимизни севимли байрамлари билан қутлаб, уларни самимийлик, эзгулик ва фидойилик асло тарк этмаслигини тилаб қоламан.



**Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА, Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг лойиҳа ва дастурлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари:**

**– Аввало, айтиш керакки,** биз яшаётган давр жуда шиддатли. Унинг суръатига дош бериш, у билан қадам-бақадам яшаш осон эмас. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу давр янгиликлари инсон, ўз замондошларимиз тафаккури маҳсули, олиб борилаётган янгиланишлар бугунги кун талаби. Демак, даврдан ортда қолиш кўп нарсани йўқотишга олиб келади. Бугунги кун аёли ҳам албатта, ортда қолишни истамайди. Аёл руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам шунга монанд. Ҳиндистонда бўлганимда Шератон GROUPдек йирик меҳмонхоналар тизими, ТАТАдек дунёга машҳур кўп тармоқли компанияларни бошқараётган ҳинд қизларини кўрганимда ҳавас қилгандим. Бугунги ўзбек аёллари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган ва ҳаёт тўфонларидан ўзини ҳимоя қила оладиган заковатли хилқат. Ўзбек аёллари орасидан энг замонавий ихтисослар бўйича йирик мутахассислар етишиб чиққани, ўзбек қизлари йирик фирма ва компанияларни эркаклардан ўзиб бошқараётгани, энг замонавий компьютер ва бошқа ахборот коммуникация технологиялари билан ишлаётгани давр аёлининг руҳиятидаги катта ўзгаришдир. Хулоса қиладиган бўлсам, бугунги аёл дунёга бугуннинг нигоҳи билан қарайди.

**Аёл ҳам жамиятнинг бир аъзоси.** У ўзини ўраб турган борлиқдан, демакки, жамиятдан айро яшай олмайди. У ўз оиласи ва жамият учун ҳам бирдек керак. Ахир аёл бўлмаса, қайси хонадонда файз бўлади, тинчлик-хотиржамлик, орасталик, ҳаловат уфуради. Худди шунга ўхшаш аёлсиз жамиятнинг, мамлакат ҳаётининг бирон соҳасини тасаввур қилиш қийин.

Ўз ҳаётимиз, яъни журналист аёллар ҳаётидан биргина мисолни айтай. Сиз ҳар куни экран орқали ҳавас билан қарайдиган тележурналист аёл биргина кўрсатув учун қанча куч сарфлаши, ҳатто тун ярмига қадар монтажхоналарда бедор ишлашини кўз олдингизга келтира оласизми? Кўрсатуви тайёр бўлгандан кейин уйига йўл оларкан, дилидан нелар ўтиши, оиласини қанчалик соғиниши, шу билан бирга алламаҳалда кириб келгани турмуш ўртоғига қандай таъсир қилишини ўйлаб, ўзини худди гуноҳкордек сезиши, уни қай ҳолатларга солмайди, дейсиз.

Ё бўлмаса, газета чиқадиган кунлар тунни ишда бедор ўтказган, уйда фарзандларини ёлғиз қолдирган ижодкор аёл кўнглидаги кечинмалар... Айтишингиз мумкин, бунга уларни ким мажбур қилибди, деб. Бошқа касбни танласа ҳам бўладику? Аммо уларни мажбур қилган биргина нарса бор: жамиятга, касбига бўлган чексиз меҳр, ҳудудсиз муҳаббат, фидойилик. Аёл ва жамият ўртасидаги боғлиқлик ҳам ана шунда.

**Суҳбатни Намоз ТОЛИПОВ уюштирди.**

# *ОНАЖОН*

*Шеърият*

**Умр оқар дарё бўларкан,
Ғам ва ташвиш бирга келаркан
Оллоҳга ҳам яхши керак-да,
Ногоҳ келиб юлиб кетаркан.
Халқи учун, фарзанди учун
Ўт-оловда ёнди падарим,
Энди роҳат кўрай деганда
Бизни ташлаб кетди падарим.
Эртаю кеч йиғлади онам,
Кўз нурини тўкди волидам,
Бирга ўтган ҳар бир онини
Эслаб ғамга ботди ожизам.
Ота-она болам дер экан,
Сени ўйлаб ўйга толаркан,
Ҳаттоки сен буви бўлсанг-да
Кичкинтойим, новвотим деркан.
Ҳар бир инсон она сутини
Ва отанинг берган тузини
Оқлайди-ю, уза олмайди,
Бир умрга унинг қарзини.**

**Болам, чақам, ишим деймиз-у
Гоҳо бефарқ бўлиб қоламиз.
Бугун-эрта деймиз-у, аммо
Кун ўтганин билмай қоламиз.
Йўлингга кўз тутади она
Эртани кеч қилади, она
Кута-кута остонасида,
Бўзлаб, ухлаб қолади, она.
Кўзларингдан нур кетди бугун,
Ола қолгин кўзим нурини,
Сочларингга оқ оралабди
Олгин майли қора сочимни.
Сенинг ҳар бир бедор тунингга
Жоним садқа бўлсин, онажон
Умринг узун, зиёда бўлсин,
Бахтим, тахтим, ўзинг онажон!**

**Тиловат СОАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси катта муҳаррири.**

***Парча этни жисмида, инсон қилган онадир,
Гоҳо қону жон бериб, бағрин тилган онадир.
Тунлари мижжа қоқмай, алла айтган онадир,
Оқ сутига меҳрини, қўшиб-чайган онадир.***

***Ўраб-чирмаб, оқ тараб, ўстирган ҳам онадир,
Оқ-қорани ёшликдан танитган ҳам онадир.
Бутун умрин фарзандга, фидо қилган онадир,
Бошимизга қалбини, хумо қилган онадир.***

***Замин узра ягона, бағри қуёш онадир,
Фарзандини кўз каби, асраган қош онадир.
Пойида жаннат ётган, жонга малҳам онадир,
Бир умрлик қўшиғим, дилда илҳом онадир.***

**Эркин ШОМИРЗАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

**Газетамизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Женщина времени*

# ЖИЗНЬ, ДЛИНОЮ В МИГ

**Мать – это самый дорогой, близкий, любимый, заботливый человек, который всю свою жизнь, силы и душу вкладывает в воспитание ребенка. Проводя бессонные ночи над кроваткой малыша, она напевает колыбельную песню, в которой находят отражение все переживаемые ею чувства. И даже спустя многие годы отзвуки этой колыбельной остаются в памяти детей и становятся неким стимулом, способствующим преодолению трудностей, возникающих на жизненном пути. Любовь матери безгранична, она движет ею на протяжении всей жизни и побуждает совершать такие поступки, на которые поистине способна только мать.**



**ЗУЛХАЁ ШАЙХОВА**

Неторопливой, размеренной походкой она зашла в гостиную, где мы с нетерпением ждали ее. Милая, приветливая и добродушная женщина, в глазах которой заметна грусть. Обстановка комнаты, красивые домашние растения, шкафы, полные книг, а также большое количество фотографий, на которых отражена вся история семьи Шайховых. Глядя на них, мы мысленно пытались соединить те фрагменты жизни, которые были отражены на фотографиях. И словно читая наши мысли, Зулхаё опа начала свой рассказ...

Зулхаё Шайхова родилась и провела свое детство в городе Туркестан Чимкентской области. Вскоре ее семья переехала в Кашкадарьинскую область. Маленькая Зулхаё всегда отличалась от других незаурядными способностями и стремлением к учебе. После окончания школы трех успешных выпускниц направили в Московский Государственный Университет имени М.В. Ломоносова (Россия). В их числе была и Зулхаё. Но в силу своей привязанности к родителям и родному краю, Зулхаё решила остаться в Узбекистане. Спустя некоторое время она вышла замуж, а вскоре стала матерью. Ухаживая за детьми, ведя домашнее хозяйство, Зулхаё не забывала о своей учебе в Институте русского языка и литературы (нынешний Узбекский Государственный Университет международных языков). Будучи образованными людьми супруги Шайховы сделали все возможное, чтобы дать детям хорошее образование. Четыре дочери Зулхаё опы, успешно окончив школу, поступили в университеты и получили высшее образование.

**Вспоминая сына...**

Файзулло Шайхов рос веселым, озорным мальчиком. Даже с детства было понятно, что его ждет большое будущее. С малых лет ему было свойственно некое остроумие, умение общаться с людьми, стойкость характера. Он был нашей надеждой. Файзулло был разносторонне развитым ребенком: занимался музыкой, любил художественную литературу, и в то же время был душой компании и легко находил общий язык со сверстниками. Окончив школу в 1983 году, Файзулло поступил в Саратовский юридический институт, и с этого момента их жизнь резко изменилась.

**Я отдам жизнь ради него...**

Поступление в университет стало новым этапом в жизни Файзулло. Узнав о результатах экзамена, он с большой радостью делился своими планами на будущее. Он хотел учиться, стремился освоить юриспруденцию и найти свое место в обществе, но, к сожалению, всему этому не суждено было сбыться...

– Через 2 месяца после начала учебы мы со всей семьей ждали приезда Файзулло к празднику. Прошел день, второй, третий... От Файзулло не было вестей: ни звонка, ни письма. Дурные предчувствия не давали мне покоя, и я решила поехать в Саратов. Зайдя в комнату, на минуту мое сердце остановилось: мой сын безмолвно лежал в кровати, без движения. Увидев меня, он просто сказал: "Мама, не переживай за меня. Все хорошо".Файзулло сказал мне, что это всего-навсего простуда, но я как мать не могла оставить ребенка в таком состоянии, и, несмотря на его сопротивления, я забрала его в Узбекистан.

Обследовавшись в центральной больнице Букинского района Ташкентской области, Файзулло поставили диагноз: острая почечная недостаточность. Мы были вынуждены положить его в клинику Ташкентской медицинской академии, где были проведены сеансы гемодиализа. Была зима и на улице стояли сильные морозы. С целью недопущения внешних инфекций, посетителей не пускали к больным. И в студеную зимнюю пору я наблюдала за своим сыном через окошко. И каждую минуту сердце сковывал страх из-за того, что в любой момент сердце моего ребенка могло не выдержать и остановиться. Через некоторое время было решено доставить Файзулло в центр трансплантации почки при Республиканской больнице №1 Минздрава (ныне – Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи). Тщательно обследовав моего сына, медицинский персонал сообщил о необходимости проведения пересадки почки. Но в силу того, что на тот момент таковые операции не проводились в Узбекистане, нас направили в Москву, в Научный центр хирургии РАМН, директором которого был Б.В. Петровский. Там нас очень хорошо приняли, и, проведя необходимые обследования и анализы, было решено провести операцию. Проблема заключалась в том, что на тот момент не было донорской почки, которая могла спасти моего сына. И я без колебания решила отдать свою почку ему. Началась подготовка к операции. Оперирующим хирургом был Александр Белоусов. По словам медицинских сестер, в день операции, будучи даже под воздействием наркоза и не имея ясного сознания, Файзулло ни на минуту не забывал о маме, постоянно спрашивая о ее самочувствии. После успешной операции, мы проходили курс реабилитации. Несмотря на то, что после операции прошло 4 дня, мое состояние не улучшалось, у меня был жар и врачи не могли понять причину. Сердце матери всегда стремится к ребенку, и оно горит, не видя свое дитя перед глазами. И во время осмотра академик Б. В. Петровский сказал: "Мать и дитя – одно целое и нельзя их разделять". После этого нас с Файзулло поместили в одну палату и дело пошло на поправку. За время нашего пребывания в больнице в который раз я убедилась в том, что мой сын действительно мужественный человек, ведь, как поведали врачи, в истории больницы мой сын был единственным человеком, который отказался от инъекций морфия и терпел всю боль, не показывая этого мне, боясь ранить мое материнское сердце. За весь период, проведенный в больнице, он непрерывно читал книги. Мы постоянно обсуждали каждую прочитанную им литературу. Порой, анализируя его мысли, я поражалась широте его кругозора, глубиной интеллектуальных способностей. Это был человек, с которым можно было разговаривать часами напролет, даже не замечая, как быстро проходит время. Мы все время были вместе. Состояние здоровья постепенно улучшалось, и вскоре мы получили разрешение на выписку и вернулись в Узбекистан. С того момента все стало на свои места. Казалось бы, все позади – и боль, и страхи, и переживания. Мы прошли через страдания, мой сын был на волосок от смерти, но, пройдя через все это, мы стали ценить друг друга еще больше, ценить каждую минуту, проведенную вместе. Так прошло 7 лет. Внезапно состояние Файзулло стало ухудшаться. Впоследствии у него обнаружили инфекцию мочевыводящих путей. Был проведен курс лечения. Врачи подобрали все необходимые лекарственные средства, учитывая то, что у Файзуллы была одна почка. Возможно, из-за перенесенного вирусного гепатита у него развился цирроз печени, и представьте себе мое состояние, когда мне не к кому было обратиться за советом по уходу за человеком с циррозом печени и с трансплантированной почкой. В отчаянии я хваталась за любую соломинку, металась с одного медицинского учреждения в другое и даже хотела вновь отправиться в Москву для проведения очередной операции. Но сын отказался от поездки в Москву, сказав, что все лечебные процедуры он получит на Родине. Тяжело описать, как трудно было смотреть в глаза чахнущего ребенка и быть не в состоянии помочь ему. До сих пор перед глазами стоит эта картина, а в памяти навсегда сохранились слова сына "Мама, не беспокойся, ты сделала все, что в твоих силах. Я обязательно поправлюсь, ты только поверь в это". Мы сделали все возможное, но, к сожалению, я не смогла его спасти. Мы потеряли нашего сына.

**Мои несбывшиеся мечты**

До сих пор, вспоминая те трудные моменты жизни, я понимаю, что, отдав свою почку, я продлила жизнь сына хотя бы на некоторое время. И я не жалею об этом. Единственное, что меня мучает, так это то, что, возможно, я могла бы уговорить сына на очередную операцию за рубежом, и может это спасло бы его. Все, что осталось от него – это его фотографии и вещи, которыми он пользовался. Но я бессознательно ищу его, его черты лица, манеры поведения в его племянниках, своих внуках. Даже несмотря на то, что его нет рядом, он все равно постоянно в моем сердце.

Пользуясь случаем, я бы хотела сказать: цените друг друга, каждую минуту, каждый миг, проведенный вместе. Жизнь, кажущаяся нам такой долгой, может оборваться в любое мгновение, а люди, которые кажутся нам вечными, в любой момент могут покинуть нас.

***История этой женщины действительно затронула нас. Ведь с ее рассказом перед глазами представилась вся картина жизни Зулхаё опы. Сколько боли и страданий испытала эта женщина. Но только благодаря своей семье, своим детям и внукам Зульхаё опа сумела прийти в себя. И на сегодняшний день эта милая женщина ценит каждый светлый день. Большой любовью она одаривает своих детей и внуков. И от всей нашей редакции хотелось бы пожелать этой поистине прекрасной женщине, матери крепкого здоровья, долгих лет жизни. И пусть все те надежды и мечты, которые она возлагала на сына, осуществятся благодаря ее внукам. Спасибо за то, что в жизни есть именно такие матери, готовые отдать сердце и душу ради своих детей.***

**Беседовали Ирода ИЛЬХАМОВА, Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

*Ибрат*

# СЕРМАЗМУН ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

***Тиббиёт соҳасини танлаган ҳар бир мутахассис борки, ўзининг эзгу ниятлари билан бутун умрини халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга қаратади. Айникса, мазкур соҳадаги ҳамширалар меҳнатини тилга оладиган бўлсак, улардаги меҳрибонлик, чаққонлик, самимийлик, шунингдек, барча яхши фазилатларнинг мужассамлиги уларнинг меҳнат фаолиятига чамбарчас боғланиб кетади.***

Ўзининг кўп йиллик меҳнат тажрибаси билан обрў-эътибор қозонган, касбига бўлган меҳри-садоқати ила беморлар қалбидан чуқур ўрин олган Саркич Бекташева 40 йилдан буён ҳамширалик касбини эъзозлаб келмоқда. Тажрибали мутахассис айни кунда Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 6-оилавий поликлиниканинг физиотерапия бўлимида фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, ўз касбининг фидойи инсони 1989-1999 йилларда Учтепа туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида бош ҳамшира, шунингдек, 1993 йилдан то 2007 йилгача мазкур поликлиникада бош ҳамшира вазифасида беминнат хизмат қилиб келди. У йиллар давомида эгаллаган касб сирларини барча шогирдларига ўргатиб, ҳамширалар меҳнати нақадар мураккаб эканлиги ҳамда иш жараёнида билим ва иқтидор ниҳоятда муҳимлигини уқтириб келди. Республика миқёсида ўтказилган «Ҳамшира» кўрик-танловларида ташкилотчи сифатида мунтазам иштирок этиб, имконият даражасида қўлидан келгунича ўз ёрдамини аямади.

Бутун умрини тиббиётга бахшида этган жонкуяр ҳамшира Саркич Бекташеванинг соҳа тараққиёти ва халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган хизматларини инобатга олган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1995 йилда уни «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлади. Шунингдек, машаққатли меҳнатлари ҳисобига олинган тажрибали ҳамшира айни кунда меҳнат фахрийси.

Камтарин инсон фасли баҳорда ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлар экан, ана шундай ажойиб фазилат соҳибасини таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз.

**Бир гуруҳ шогирдлари.**

*Мақсад манзили томон бошлаб боргувчи,
Ҳормас-толмас шиддатли, сарбондир аёл.*

*Бешикли дунёни аллалаб абад,
Эзгулик элитгувчи карвондир аёл...*



*Хотира уйғонса гўзалдир*

# ТАЛАБЧАН ОЛИМАНИНГ УМР ДАФТАРИ

***«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир», дейди доно халқимиз. Шу маънода ҳозирги Тошкент Тиббиёт академиясининг тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида мазкур даргоҳга не-не улуғ ва муътабар зотлар келиб кетишмади, ўзларидан қанча ёрқин, ўчмас излар қолдиришмади, дейсиз.***

Бутун умрини тиббиёт ва Ватан равнақига бахшида этган инсонлар тўғрисида қанчалик гапирсакда, сўз бойлигимиз, қолаверса, қаламимиз ожизлик қилади...

Ҳа, ана шундай қалбимиз тўридан жой олган, алоҳида ҳурмат ва эъзозга лойиқ ҳамкасб устоз, мураббийларимиздан бири, таниқли олима, ўзбек аёллари орасида биринчи тиббиёт фанлари доктори, профессор Зулфия Иброҳимовна Умидова (1897-1980 йй.) эдилар.

1897 йилнинг 1 июнида Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топган Зулфия ёшлигиданоқ, ўта тиришқоқ, зеҳнли, уддабурон, илмга чанқоқ бўлиб ўсди. У дастлаб, Тошкентдаги хотин-қизлар гимназиясида ўқиб, уни имтиёзли тугатди. Билимга ташна бўлган Зулфия етуклик шаҳодатномасини олгач, 1918 йилдан Петрограддаги аёллар тиббиёт институтида ўқий бошлади. Табиийки, ўша даврдаги тарихий, сиёсий-ижтимоий жараёнлар ёш Зулфиянинг дунёқарашини янада шакллантириб, ўз соҳасининг етук ва билимдони бўлиб етишишига пухта замин яратди. У касб сирларини чуқур эгаллаш мақсадида тинмай ўқиди ва изланди. 1918-1920 йилларда Тошкентдаги Туркистон Халқ комиссариати тасарруфидаги 159-эвакогоспиталда, кейинчалик эса Соғлиқни сақлаш Халқ комиссариатида фаолият кўрсатиб, билим ва тажрибасини оширди. 1920-1922 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг тиббиёт факультетида таҳсил олган Зулфия Умидова тиббиётимизнинг дастлабки, илк қалдирғочларидан бири сифатида ўқишни аъло баҳолар билан тугатди. Ёш, талабчан мутахассис илк бор госпитал терапия клиникаси, 1926-1930 йилларда 2-шаҳар касалхонасида шифокорлик лавозимида фаолият кўрсатиб, беморларнинг дардига малҳам бўлди ва ўзини илмий-тиббий тадқиқот ишларига руҳан, маънан, жисмонан тайёрлади. Етук мутахассис 1930 йилда тиббиёт институтига қайтиб, ўзининг меҳнатсеварлиги ва касбига бўлган иштиёқи туфайли госпитал терапия клиникаси ассистенти, доценти (1937-1944 йй.), кафедра мудири (1945-1969) лавозимларида ишлади. Ойлар ва йиллар ўтиб, тиббиётга бахшида этилган умр ўз маҳсулини берди. Сарҳадсиз изланишлар туфайли Зулфия Умидова 1937 йилда тиббиёт фанлари номзоди, 1946 йилда эса, докторлик диссертациясини муваффақиятли якунлади. Фидойи инсон ўзининг беминнат хизматлари туфайли собиқ Иттифоқ Тиббиёт Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, фан, давлат ва жамоат арбоби сифатида эл-юрт назарига тушди. Унинг тиббиётдаги муваффақиятлари ўша пайтларда Ўзбекистонда истиқомат қилган А. Крюков, И. Кассирский, М. Слоним, Н. Рагоза, Г. Манкус каби дунёга машҳур тиббиёт олимлари билан ёнма-ён, ҳамнафас ва ҳамкорликда тинимсиз ишлагани, изланган билан чамбарчас боғлиқдир. У ўз устозлари ва ҳамкасбларидан нафақат клиник фикрлаш, тафаккур юритиш, ҳар бир беморга чуқур одоб ва юксак маданият билан муносабатда бўлиш, касалликларни синчковлик билан ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, оқибатларини илмий-тиббий, ижтимоий жиҳатдан самарали бартараф этиш ҳамда даволашга оид улкан сабоқларни ҳам олди.

Профессор Зулфия Умидова ҳамда шогирдларининг асосий илмий йўналиши иссиқ иқлим шароитида юрак-томир тизимидаги адаптацион ўзгаришлар ва уларни даволаш муаммоларига қаратилди. Бу илмий ишлар туркумининг бошланғич қисмини соғ одамларга иссиқ иқлим шароитининг таъсири ва улардаги гемодинамик ўзгаришларни ўз ичига олди. Изланиш натижалари олиманинг «Климатофизиология масалалари» номли монографиясида ўз ифодасини топди. Муҳими шундаки, иссиқ иқлим шароитининг юрак-томир касалликлари билан оғриган беморларга таъсири мазкур рисолаларда, яъни «Миокард инфарктининг клиникаси ва патогенези», «Пароксизмал тахикардиянинг клиникаси» (1936), «Юрак блокадасининг клиникасига доир» (1934), «Ўткир ревматизмда ЭКГ ўзгаришларини даволаш жараёнига боғлиқ жиҳатлари» номли қўлланмаларда тўлиқ баён этилди. Бу чуқур илмий изланишларнинг якуний сарҳисоби «Иссиқ иқлим шароитида соғ одамда юрак-томир тизимининг фаолияти ва миокард инфаркти ҳамда коронар етишмовчилигининг бошқа формаларида касалликнинг ўзига хос клиник кечиши» деган мавзуда 1946 йили докторлик диссертациясига ва 1949 йилда «Иссиқ иқлим шароитида юрак-томир тизимининг физиологияси ва патологияси» номли монографиянинг чоп этилишига асос бўлди.

Мазкур илмий асарларда ёзнинг иссиқ кунларида юрак фаолияти бузилмаган одамларда оғир асоратлар кузатилмаслиги, 1- ва 2- даражали гипертония касалликларига учраган беморларнинг аҳволини оғирлаштиргани ҳам тажрибали мутахассис томонидан илмий асосланди. Шу туркумдаги илмий йўналишларнинг асосий омиллари юрак ишемик ва гипертония касалликлари бўлгани учун ҳам олима бу касалликларнинг турли шаҳар ва қишлоқларда одамларда қай даражада содир бўлаётганлигини ўрганиш мақсадида сайёр эпидемиологик тиббий текширувларга асос солди. Зулфия Умидованинг ташаббуси ва фаол иштироки билан клиника ва шифохоналарнинг терапия бўлимларида юрак-томир етишмовчилиги билан оғриган беморларга доимий кузатув ва муолажани муҳайё қиладиган интенсив даволаш хоналари ташкил этилди, тез тиббий ёрдамнинг ихтисослашган усуллари билан жиҳозланган кардиологик хизмат жорий этилди. У бошқарган клиникада республикада биринчи бор замонавий янги техник воситалар ёрдамида мураккаб (баллистокардиография мастер синамаси, яширин коронар етишмовчилигида фармакологик дорилар ёрдамида ва ҳ.к.) текширув усуллари қўлланилган. Профессор Зулфия Умидованинг академик Восит Воҳидов билан ҳамкорликда ишлаб, юрак пороклари билан касалланган беморларни консерватив ва хирургик йўл билан даволаш тизимига асос солгани ҳам таҳсинга сазовордир. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, олима ўз илмий фаолиятининг энг етук даврида кардиология соҳасидаги изланишларини сарҳисоб қилиб, «Иссиқ иқлим кардиологияси очерклари» номли ноёб рисола ёздики, бу асар шу кунгача ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ, аксинча, умумий амалиёт шифокорларининг доимий услубий қўлланмасига айланган. Юксак салоҳиятга эга бўлган терапевт-интернист олима Зулфия Иброҳимовнанинг қорин тифи эпидемияси (1929 й.), диафрагма остилямблиоз абсцесси билан оғриган беморнинг ташҳиси ва касалликнинг кечиши, гелиотроп гепатитнинг истисқо клиникасида даволаш усуллари, очлик ва авитаминознинг гомесстазга таъсири каби муаммоларни чуқур ўрганганлиги, эндокринология соҳасида ҳам илмий кузатишлар олиб борган.

**Шундай экан, тиббиётимизнинг дастлабки қалдирғочларидан бири, машҳур олима, ажойиб ва камтарин инсон, қўли енгил шифокор, талабчан ва меҳрибон она, устоз ва мураббия Зулфия Иброҳимовна Умидованинг умри боқийдир. Гар муҳтарама зот ҳаёт бўлмаса-да, унинг соғлиқни сақлаш тизимига оид ноёб янгиликлари ва амалдаги ишлари тиббиёт аҳли учун битмас ва туганмас хазинадир.**

Искандар РАҲМОН.

*Эътироф*

***Бугунги кунда аёлларимизнинг жамиятда ва оилада ўрни ўзгачадир. Улар ҳар бир соҳада ўзларининг фидойи меҳнатлари билан обрў-эътиборга эга бўлишмоқда. Ана шундай инсонлардан бири Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий-педагогика ҳамда стоматология факультетлари учун гистология ва тиббий биология кафедраси профессори, олим, жонкуяр устоз Парахат Рустамовна Алимходжаевадир.***



# ЎЗ ИШИГА САДОҚАТЛИ

Парахат Алимходжаева 1966 йили Тошкент Давлат Тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси)нинг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. Илмга чанқоқ ва интилувчан ёш мутахассис мазкур олийгоҳда қолиб, 1966-1985 йилларда институтнинг биология ва умумий генетика кафедрасида ассистентлик лавозимида фаолият юритди. Жонкуяр, меҳнатсевар, ўз касбининг моҳир устаси Парахат Рустамовна 1985-1996 йилларда мазкур кафедрада катта ўқитувчи ва доцент вазифаларида, шунингдек, 1994-1995 йилларда институт марказий илмий тадқиқот лабораториясининг катта илмий ходими бўлиб ишлади. Касб сирларини пухта эгаллаган тажрибали мутахассис, 1996-2005 йиллар давомида ушбу кафедранинг мудири, 2005 йилдан то шу кунга қадар эса, Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий-педагогика ҳамда стоматология факультетлари учун гистология ва тиббий биология кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Ойлар ва йиллар давомидаги илмий изланишлар унинг фаолият йўлини янада очиб берди. Парахат Рустамовна 1972 йилда «Нурланиш таъсирида йилнинг турли мавсумларида қушларда қон ва қон айланиш» мавзусида номзодлик ва 2002 йили «Гидрокортизон таъсирида умуртқалар иммун тизимининг онто-филогенез даврларида цитологик ва функционал таҳлили» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олима ўзининг докторлик мавзусидаги илмий фаолияти билан республикамизда долзарб бўлган умуртқали ҳайвонларнинг иммун тизими аъзоларини онто ва филогенезда ҳамда гидрокортизон таъсирида ўрганиб, амалиётда муҳим бўлган жараёнларни, яъни умуртқали ҳайвонларнинг постэбрионал ривожланишининг ҳар хил даврида тур ва синф вакилларига хос бўлган ўзгаришларни аниқлади.

Ҳозирги замон педагогининг асосий фазилатларидан бири – ўз касбига бўлган меҳри ва садоқати ҳамда эътиқоди билан бошқа касб эгаларидан ажралиб туриш. Шундай экан, тажрибали педагог ўзининг маърузаларида талабаларни фан-техника янгиликлари билан таништириш билан бир қаторда, унинг муаммо ва истиқболлари ҳақида машғулотларни мукаммал ва тушунарли ҳолда олиб боради. Бу эса тингловчиларни мустақил фикрлашга ўргатади ва уларда илмий дунёқарашни шакллантиради.

Таъкидлаш жоизки, Парахат Алимходжаеванинг бевосита раҳбарлигида тиббий биология ва генетика фани бўйича Давлат Стандарти асосида Намунавий ва ишчи дастурлар, маърузаларнинг янги электрон ва мультимедия шакллари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ўқув жараёнига рейтинг назорати, янги педагогик технологиялар татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга фидойи инсоннинг 120 та илмий ва ўқув-услубий ишлари, жумладан, 8 та дарслик, 30 та ўқув-услубий қўлланма ва 82 та мақолалари чоп этилган. Устознинг раҳбарлиги остида 1 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди ва 1 та докторлик иши тугалланиб, илмий Кенгашга топширилди.

Талабчан раҳбар, жонкуяр педагог, ўз ишига садоқатли ва меҳрибон устозининг умр ҳаётини безовчи фаолият йўлига назар ташлар эканмиз, Парахат Алимходжаеванинг келгусидаги ишларига зафарлар тилаб, хотин-қизлар байрами билан қутлаб қоламиз.

**Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси.**

**Подписывайтесь на газету в 2008 году**

*Муносабат*

# УСТУВОР МАҚСАДЛАР МАСЪУЛИЯТИ

***Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлаш, муҳофаза қилиш тиббиёт ислоҳотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ва яхшилаш, амалиётда жаҳон тажрибаларини татбиқ этиш сингари фаолиятлар бугунги кун талаби бўлиши билан бирга ўз самарасини кўрсатиб келмоқда.***

Шу йилнинг 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари юртимизда ўтган йили қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижалар ва айрим камчиликларга алоҳида урғу бериб ўтди. Президентимиз ўз нутқида ҳар доимгидек инсон манфаатлари устувор эканлигини таъкидлаб, жумладан ўтган йили юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида тиббий хизмат сифати янада яхшиланганини, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, ўткир юқумли ва вирусли касалликларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги фикрларини эътироф этди.

Шу кунларда эса барча муассаса ва ташкилотларда Юртбошимиз маърузасида қўйилган вазифалар асосида 2008 йил учун аниқ режа ва тадбирлар белгиланмоқда. Бу борада вилоятимиз тиббиёт ходимлари ҳам аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Ўтган йилги натижаларимизга назар соладиган бўлсак, тиббиёт ислоҳотларини амалга ошириш борасида кўпгина муваффақият ва фаолиятлар самарадорлигига эришдик. Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига 13003 ўринга мўлжалланган 87 та шифохона, умумий қуввати 28250 қатновга мослаштирилган 330 та амбулатор-поликлиника муассасалари, жумладан, 226 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та фельдшер-акушерлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 4778 нафар врач ҳамда 20 899 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Ўтган йили асосий эътибор мутахассисларни танлаш ва иш билан таъминлаш масаласига қаратилди. Йил давомида 62 нафар врачларимиз Новосибирск вилоятининг етакчи клиника ва марказларида ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Шунингдек, юзлаб шифокорлар Тошкент Врачлар малакасини ошириш ва Андижон Давлат тиббиёт институтларида ўз билимларини мустаҳкамладилар. Бугунги кунда мавжуд саъй-ҳаракатлар асосан беморни тез ва сифатли даволашга қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам 2007 йилда шифохоналарда жами 430833 нафар бемор даволанган бўлса, уларнинг ўртача бандлиги 2006 йилдаги 303,9 дан 301,8 кунга тўғри келди. Ёки ҳар бир бемор ўртача 8,9 кун даволанди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич аввалги йилда 9,4 ни ташкил этарди.

Кейинги йилларда шифохоналардаги кундузги ўринларда беморларни даволашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида шифохоналарда ташкил этилган 717 та шифо ўринларида 21193 нафар бемор даволанди. Бугунги кунда аҳолига бир сменада 28250 қатновга мўлжалланган 330 амбулатор-поликлиника муассасалари, жумладан, 226 та қишлоқ врачлик, 10 та фельдшер-акушерлик пунктлари хизмат кўрсатмоқда. ҚВПларнинг 41,7 фоизи марказлашган сув тармоғи, 53,3 фоизи сув мосламалари, 58,4 фоизи табиий газ билан таъминланган. Агарда 2005 йилда 57-60 фоиз мазкур масканларда телефон алоқаси мавжуд бўлса, 2007 йил давомида "Перфектум мобайл" компанияси билан шартнома тузилиб, вилоятнинг чекка қишлоқларидаги ҚВПлар учун алоқа боғлаш имконияти яратилди. Ёки 90,1 фоиз ҚВПлар телефон тармоғи билан билан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ислоҳ қилиш жараёнини чуқурлаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида вилоятда ҳам мавжуд ҚВПларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит маблағлари орқали "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида амалга оширилмоқда. Шу кунгача 190 та ҚВП учун бир миллиард ўттиз беш миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Барча тумандардаги ҚВПлар юридик мақом олиб, мустақил равишда фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилда вилоятдаги 14 та туғруқ комплекслари ва бўлимларида ҳам Осиё тараққиёт банки томонидан "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси бўйича жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда.

Шунингдек, Юртбошимиз йиғилиш давомида аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилда қарийб 20 фоизга камайди. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса янги туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 13 тага тушди ва биргина 2007 йилнинг ўзида 11 фоизга камайганлигини айтиб ўтди.

Бу борада вилоятда ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши йўлида белгиланган тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Айниқса, вилоят "Она ва бола скрининги" марказида болаликдан ногиронликни олдини олиш, наслий касалликлар ва туғма нуқсонларни имкон қадар эрта аниқлаш уларни ўз вақтида бартараф этиш ва соғломлаштиришга эришилмоқда. Шу мақсадда барча ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида чуқур текширувдан ўтказиш самарали йўлга қўйилган. Биргина 2007 йил давомида 26581 нафар ҳомиладорлар акушер-гинеколог кўригидан ўтказиш самарали йўлга қўйилган. Буларнинг 97,4 фоизида ультратовуш текшируви олиб борилди. Туғма нуқсони аниқланган 310 ҳомиладорлик тўхтатилишига эришилди. Шунингдек, ўтган йили 4752 нафар болалар ва 21187 нафар ҳомиладорлар генетик, эндокринолог, невропатолог, социолог кўрикларидан ўтказилди. Умумун олганда кейинги ўн йилда оналик ва болалик муҳофазасига катта эътибор берилганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Агарда 1997 йилда болалар ўртасида ўлим кўрсаткичи ҳар 1000 та чақалоққа нисбатан 23,1 ни ташкил этган бўлса 2007 йилда 14, 2 га пасайтирилди. Оналар ўртасидаги ўлим кўрсаткичи 1997 йилдаги 38,1 дан 23,6 га камайди. Вилоятда аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, фтизиатрия, тери-таносил, онкология, наркология, психиатрия хизматини янада яхшилаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансерининг стационар қисми шифохона таркибига қўшилиб, поликлиника хизмати кўрсатувчи таркиби Наманган шаҳрининг Давлатобод даҳасига кўчирилди ва 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, инженерлик коммуникациялари янгиланди ва бино жорий таъмирланди. Вилоят силга қарши кураш шифохонаси собиқ шаҳар юқумли касалликлар биносига кўчиб ўтишга тайёргарлик кўрмоқда.

Аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳам замон талабларидан биридир. Ана шу йўсинда бугунги кунда вилоят бўйича 20 та муассаса аралаш молиялаш дастурига киритилгандир. Ўтган йил давомида улар ёрдамида 1 миллиард 721 миллион сўмдан ортиқ бюджетга қўшимча маблағ топишга эришилган. Шундан стационар шароитида 1 миллиард 212 миллиондан ортиқ, амбулатория-поликлиника шароитида 235 миллион 290 минг сўмни ташкил этди. Биз бундан кейин ҳам аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг турли услубларидан фойдаланиш билан бирга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига бепул даволашни кучайтираверамиз. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги ютуқлар билан чегараланиб қолмай, ҳар бир ишга танқидий ёндошишимиз лозим. Бунинг учун соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бугунги кун талабига жавоб берадиган ташкилий тузилмасини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштиришимиз керак. Врач ва ҳамшираларнинг малакаларини оширишларини қатъий йўлга қўйиш эса давр талабидир.

Бу каби ишларни изчиллик билан бажаришда Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 700-сонли Қарори аниқ йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.

Президентимизнинг Фармон ва Қарорида белгилаб берилган вазифаларни тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш учун аниқ режа асосида иш олиб бораяпмиз. Бугунги кунгача туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли маркази, вилоят диагностика марказлари ташкил этиладиган муассасалар аниқланди ва уларнинг концепцияси ишлаб чиқилди. Барча муассасаларда тўлиқ инвентаризация ўтказилиб, бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами белгилаб олинди. Бугунги кунда ушбу масканларни қайта ташкил қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

**Шунингдек, Президентимиз: "Буларнинг барчаси пировард натижада одамларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, халқимизнинг ҳаёт сифатини юксалтириш ва умр кўриш даражасини оширишга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир", дея, келгусидаги ислоҳотлар бардавом этилишига ишонч билдирди. Шундай экан, барча шифокорлар ҳар бир бемор соғлиги, саломатлиги учун масъул эканлигини унутмасдан, бор билим ва маҳоратини ишга солиши, тинимсиз меҳнат қилиши кераклигини бугунги давр талаб этар экан, ўйлайманки, бу меҳнатларимиз билан юрт келажаги, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшамиз.**

**Ўткир ИКРОМОВ,**
**Наманган вилояти**
**соғлиқни сақлаш бошқармаси**
**бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

*Семинар-тренинг*

PROJECT HOPE

# ОММАВИЙ КУРАШИШНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

***Маълумки, дунё юзида ижтимоий касалликларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли лойиҳалар ва мингйиллик дастурлари бугунги кун амалиётида татбиқ этиб келинмоқда. Ана шундай муаммолардан бири – сил касаллигига қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирлардир. Жорий йилнинг 25-27 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Project/HOPE – силга қарши курашиш бўйича лойиҳаси, ДОТС ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида журналистлар учун «Силга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш» мавзусидаги семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

Семинар-тренингни ўтказишдан асосий мақсад – аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш ва силга қарши курашиш бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни ёритишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш, бу борада журналистларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришдан иборатдир. Семинардаги машғулотлар асосан журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлигидан иборат етакчи мутахассислар томонидан олиб борилди. Чунки, сил касаллигининг олдини олишда содда ва осон ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда долзарб материаллар тайёрлаш, мақоланинг сифат-самарадорлиги ва оммавийлигини таъминлашда журналистларнинг фаолияти муҳим ҳисобланади. Мавжуд имконият ва талабларни инобатга олиб, ташкилотчилар ўқув амалиётларини Тошкент шаҳридаги сил касаллигига қарши курашиш диспансерлари ва поликлиникалардаги фтизиатр-врачлар билан ҳамкорликда ташкил этдилар. Айни кундаги глобал ҳолатни яхшилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган буйруқлар ҳамда стратегик давлат дастурларида кўрсатилган аниқ йўналишлар ҳақида журналистларга маълумотлар тақдим этилди. Семинар-тренингда нафақат пойтахтдан, балки республикамизнинг барча оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган телевидение, радио ва вақтли матбуот ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Муҳокамалар жараёнида журналистлар касалликни ёритиш борасида дуч келаётган муаммолар, мутахассис ҳамкорликлари ҳақида ўзаро фикрлашдилар.

Хабарингиз бор, 24 март – Бутунжаҳон силга қарши курашиш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу тадбирнинг бу йилги шиори «Мен сил касаллиги тарқалишини тўхтата оламан» дея номланди. Албатта, бундай қатъий ишонч ва масъулият билан муаммога атрофлича ёндашиш, беморларни соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришга, тиббиётнинг тобора реал ҳаётимиз сари кириб келишига эришиш республикамиздаги барча фуқароларнинг кундалик вазифасига айланиб бориши зарур. Олий мақсадларга ҳамоҳанг тарзда меҳнат қилишга бел боғлаган журналистлар учун бу йил ҳам Project/HOPE лойиҳаси томонидан танлов дастури эълон қилинди. Доимий анъанага айланган танлов шартлари давомида журналистлар сил касаллигини олдини олиш ва кенг жамоатчилик эътиборини қаратишда алоҳида аҳамият берадилар.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*В помощь врачам общей практики*

# АЛЛЕРГИЧЕСКИЙ РИНИТ

## руководство по профилактике и лечению



Некоторые другие состояния могут вызвать симптомы, аналогичные АР. Сюда относятся неаллергический ринит с эозинофильным синдромом (англоязычная аббревиатура-NARES), который может быть первым проявлением непереносимости препаратов пиразолонового ряда, а также ринит при эндокринных, профессиональных заболеваниях, последствиях инфекционных заболеваний, побочные эффекты медикаментов, в частности злоупотребление сосудосуживающими каплями (деконгестантами) – медикаментозный ринит.

В данной работе мы не планируем рассмотреть все типы ринитов, остановимся только на наиболее распространенных формах – аллергических ринитах.

### ЭПИДЕМИОЛОГИЯ

Распространение аллергического ринита зависит от климато-географических условий, развития в данном регионе промышленности, загрязнения внешней среды. АР относится к широко распространенным аллергическим заболеваниям, распространенность которого повсеместно постоянно растет. Согласно литературным данным, распространенность АР в различных странах мира составляет от 4 до 32 %. Анализ результатов эпидемиологических исследований, проводимых в последние 10-15 лет в странах СНГ, позволяет говорить, что в разных климато-географических зонах АР страдает от 0,1 до 10 % населения. Однако далеко не все пациенты, страдающие этим заболеванием, обращаются за врачебной помощью, поэтому, по всей видимости, реальная распространенность намного шире.

В США аллергический ринит в 75 % случаев наблюдается у жителей городского населения и лишь в 25 % – у сельского. Выявляемость сезонных аллергических ринитов среди пациентов, обращающихся к семейному врачу, составляет 11 на 1 000 в Дании, 20 на 1 000 в Англии и 86 на 1 000 в Австралии. Однако эти цифры являются заниженными, так как они не включают в себя пациентов, не обращающихся за медицинской помощью, и больных, у которых ринит не был распознан врачом. Более точную информацию дают исследования, проводимые в популяции. По данным одного из них, в Лондоне среди взрослых людей в возрасте от 16 до 65 лет распространенность составила, как минимум, 16 %: у 8 % больных симптомы сохранялись на протяжении всего года, у 6 % круглогодичное течение ринита сочеталось с сезонными обострениями, и у 2 % наблюдались только сезонные обострения (Sibbald & Rink, 1991 г.).

Распространенность аллергического ринита, по-видимому, возрастает. По данным обследования призывников в Швеции с 1961 по 1971 год выявляемость аллергического ринита выросла с 4,4 % до 6,4 %, особенно она увеличилась в северных регионах страны.

Показатель заболеваемости аллергическим ринитом в Москве равен 2,7 (А. М. Мерков), в Самарканде – 2,4 (М. М. Хакбердиев), в Саратове – 2,8 (Л. Г. Горгаков).

Аллергический ринит составляет от 15 до 55 % среди хронических заболеваний верхних дыхательных путей и около 36 % – от общего количества аллергических заболеваний в Узбекистане (А. А. Назаров, 1998 г.).

### ПАТОГЕНЕЗ АЛЛЕРГИЧЕСКОГО РИНИТА

Аллергический ринит, как круглогодичный и сезонный, является классическим примером IgE опосредованной аллергической реакции. Главными участниками аллергического воспаления слизистой оболочки носа являются тучные клетки, эозинофилы, лимфоциты, а также базофилы и эндотелиальные клетки. Участие этих клеток определяет раннюю, а затем и позднюю фазы аллергической реакции.

Проявления реакции гиперчувствительности немедленного типа включают в себя зуд, чихание и водянистые выделения из носа, которые развиваются в результате IgE – зависимой активации тучных клеток в слизистой оболочке полости носа. Высвобождаемые медиаторы содержатся в гранулах (например, гистамин, триптаза) или в оболочке клеток (лейкотриены B4 и C4 и простагландин D2). Еще одним медиатором является фактор активации тромбоцитов (ФАТ). Медиаторы оказывают сосудорасширяющее действие и повышают проницаемость сосудов, что приводит к блокаде полости носа. Повышенная секреция сопровождается появлением слизистых выделений из носа. Стимуляция афферентных нервных волокон вызывает зуд и чихание. Кроме того, афферентная стимуляция, особенно под влиянием гистамина, может усилить аксонный рефлекс с местным высвобождением нейропептидов (субстанция Р., тахикинины), которые в свою очередь вызывают дальнейшую дегрануляцию тучных клеток.

### ВОЗМОЖНЫЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ АЛЛЕРГИЧЕСКОГО РИНИТА

В материале, полученном из полости носа в раннюю фазу аллергического ответа, обнаруживаются гистамин, триптазы, простагландин $D_2$ лейкотриены B4 и C4 и кинины. Действием именно этих медиаторов на нейрорецепторы и сосуды можно объяснить возникновение симптомов ринита в раннюю фазу аллергического ответа.

После разрешения ранней фазы, через несколько часов без дополнительной аллергенспецифической провокации возникает в той или иной степени выраженная поздняя отсроченная фаза аллергического ответа.

Характерная особенность аллергического воспаления – локальное скопление воспалительных клеток, в том числе CD4+T-лимфоцитов, эозинофилов, базофилов и нейтрофилов. Эозинофилы выделяют различные положительные заряженные белки, которые могут оказывать токсическое воздействие на эпителий дыхательных путей человека, а при наличии галоидных соединений – провоцировать дальнейшую дегрануляцию тучных клеток. В отличие от нейтрофилов, основным лейкотриеном, секретируемым эозинофилами, является LTC4, вызывающий ринорею и отек слизистой оболочки полости носа. Механизм развития тканевой эозинофилии неизвестен.

**Схема № 2. Возможные механизмы развития аллергического ринита**




Возможные ее причины – повышенный хемотаксис, адгезия на стенках сосудов или увеличение длительности жизни эозинофилов в тканях. Данные, полученные в последнее время, демонстрируют роль различных пептидных медиаторов (цитокинов). Первоначально их считали продуктами Т-лимфоцитов, однако в последующем было показано, что цитокины выделяются и другими клетками, в том числе тучными, базофилами, макрофагами и эпителиоцитами. Интерлейкин-4 (IL-4) вызывает «переключение» В-клеток на взаимодействие с IgE. Кроме того, IL-4 повышает экспрессию молекул адгезии (VCAM-I) на эндотелии сосудов, что способствует селективному накоплению эозинофилов. IL-4 стимулирует созревание тучных клеток, а IL-5 вызывает дифференциацию и созревание эозинофилов из их костномозговых предшественников, высвобождение ими медиаторов и увеличение продолжительности жизни эозинофилов в тканях.

#### Морфологические изменения слизистой оболочки при аллергическом рините

Поскольку в патогенезе аллергического ринита играют роль в основном гуморальные факторы иммунитета, характерным проявлением является повышение экссудации, отек ткани, инфильтрация эозинофильными и плазматическими клетками. Гистологически в слизистой носа может выявляться картина фибринозного некротизирующего васкулита.

В период обострения сезонного АР слизистая носа покрыта большим количеством слизи, обнаруживается десквамация и отек эпителия. В мерцательном эпителии нормальное соотношение между мерцательными и бокаловидными клетками, но в некоторых участках эпителиального пласта поверхностный слой представлен только секретирующими бокаловидными клетками. Повсеместно наблюдается утолщение базальной мембраны, на которой располагается покровный эпителий, на отдельных участках она резко утолщена и гомогенизируется. Наблюдается инфильтрация мононуклеарными лейкоцитами, клеточные элементы в большинстве своем представлены эозинофилами, но имеются также лимфоидные и плазматические клетки. Эозинофильные лейкоциты обнаруживаются в основном под эпителием и вокруг сосудов.

Морфологические изменения в период ремиссии имеют пролиферативный характер: покровный эпителий многоядерный, базальная мембрана отчетливо выражена, из клеток представлены в основном лимфоидные и плазматические с небольшой примесью нейтрофилов.

### КЛИНИЧЕСКАЯ КАРТИНА

**Сезонный аллергический ринит**

Основные симптомы: зуд, раздражение полости носа, чихание и ринорея, часто сопровождающиеся заложенностью носа. Аллергический ринит может сопровождаться щекотанием в горле, зудом в глазах и ушах, слезотечением и отеком глазных яблок. Примерно у 20 % больных наблюдаются симптомы бронхиальной астмы (Smith, 1983). В легких случаях аллергический ринит создает лишь небольшие неудобства, в тяжелых случаях приводит к потере трудоспособности. Он может осложниться головной болью, утомляемостью и нарушением концентрации внимания.

Этиология сезонного аллергического ринита – пыльца растений. Для развития аллергического ринита у человека пыльца должна принадлежать к ветроопыляемым растениям и продуцироваться в больших количествах, то есть она должна быть легкой, летучей и иметь размер не более 35 мк, а также обладать аллергенными свойствами. Этиология и частота возникновения аллергического ринита зависят от климато-географических особенностей местности. В Казахстане аллергический ринит чаще вызывает «пыльца полыней». В Краснодарском крае – амброзии, в Туркмении – кохии, лебеды, в Киеве – злаковых трав (мятлик, тимофеевка). В Узбекистане культурные злаки (райграсс, тимофеевка, овсяница и др.) и сорные травы (полынь, лебеда).

При изучении эпидемиологии аллергического ринита важно проведение аэрополлинологических исследований. Качественный и количественный состав пыльцы в различные периоды года для каждого региона выявляют специалисты-ботаники. В ряде стран выпускают ежедневный бюллетень, где указана концентрация и видовой состав пыльцы в воздухе. Врачи-аллергологи должны иметь ежемесячный календарь цветения аллергенных растений. С этой целью в различных климато-географических зонах определяют пыльцевые волны, указывающие на сроки цветения различных растений. Это позволяет врачам вовремя проводить профилактику, а больным выезжать в этот период в другие регионы страны. Количество спор грибов в окружающем воздухе также зависит от времени года.

**А. НАЗАРОВ, Ж.НАЗАРОВ, В. АЛИЕВА.**
**Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан, Республиканский научно-специализированный Аллергологический центр.**

**(Продолжение. Начало в предыдущем номере).**

**(Продолжение следует).**

**Газетамизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

## ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

# ГОЛОВОКРУЖЕНИЕ... И ТОЛЬКО

Довольно частая причина головокружения – заболевание вестибулярного аппарата (он находится во внутреннем ухе). Такое головокружение называют истинным или вертиго. Проявляется оно остро, сопровождается иллюзией перемещения в пространстве собственного тела или окружающих предметов, а также тошнотой, рвотой, холодным потом. Возникнуть эти неприятности могут на фоне такого нередкого заболевания, как отит – тогда головокружению предшествует боль в ухе.

### Головокружение + нарушение слуха

Если головокружение возникает в виде приступов, которые длятся несколько часов и сопровождаются шумом или свистом в ушах и снижением слуха, – скорее всего, это болезнь Меньера. Она возникает когда жидкости, омывающей слуховую и вестибулярные части внутреннего уха, становится больше обычного или в ней изменяется соотношение электролитов. Любопытно, что при таком заболевании при снижении слуха могут выпадать определенные частоты – например, человек отлично слышит, что говорят шепотом, но не может различать обыкновенную речь.

Если головокружение начинается незаметно, как бы исподволь, и сопровождается односторонней потерей слуха, необходимо исключить опухоль мозга. Если же односторонняя глухота наступает резко – диагноз не настолько пугающий: перилимфатическая фистула. Проще говоря, разрыв мембраны между средним и внутренним ухом. Отличительная особенность: при кашле или чихании головокружение усиливается.

### Головокружение + головная боль

Шум в ушах в сочетании с тошнотой и головокружением, свето- и звукобоязнью может быть предвестником мигрени.

Если же головокружение и головная боль ощущаются одновременно, не исключено, что его причина – отравление (например, алкогольное или интоксикация при тяжелом инфекционном заболевании) или черепно-мозговая травма.

### Головокружение + нарушение координации движений

Остро возникшее головокружение в сочетании с потерей сознания, нарушением зрения, изменением чувствительности, слабостью, сложностями с координацией – все это может быть вызвано такой серьезной причиной, как острое нарушение мозгового кровообращения (инсульт). При возникновении таких симптомов следует немедленно вызывать “скорую помощь”.

### Головокружение + психологический дискомфорт

Ощущением “тумана” в голове, дурнотой, страхом падения может сопровождаться головокружение при неврозе или депрессии. Такое головокружение называют психогенным, оно может продолжаться неделями и даже месяцами.

### Головокружение, усиливающееся при движении

Головокружениями страдали такие известные люди, как Юлий Цезарь, Мартин Лютер Кинг, Эдгар По.

В народе считается, что спровоцировать головокружение может длительное нахождение рядом с осиной – она “вытягивает” энергию.

Вялотекущее головокружение, которое усиливается при движении, особенно если человек в момент его возникновения крутил головой (сгибание, разгибание, повороты шеи), вероятнее всего, связано с остеохондрозом шейного отдела позвоночника.

Если головокружение возникает при перемене положения тела и только при определенном положении головы (обычно приступ продолжается от нескольких секунд до нескольких минут и проходит в покое), можно заподозрить доброкачественное позиционное головокружение. Суть заболевания – разрушение определенных рецепторов вестибулярного аппарата с высвобождением кристаллов карбоната кальция. Их миграция и вызывает головокружение.

### Головокружение после приема лекарств

“Вскружить” голову может прием некоторых лекарственных препаратов: средств от аллергии (супрастин, димедрол), от простуды (колдрекс, терафлю), некоторых антибиотиков, снотворных и транквилизаторов.

Что делать?

Если неожиданно закружилась голова, главное – успокоиться и постараться не упасть – при головокружении очень часто нарушается равновесие. Присядьте, а лучше всего прилягте, чтобы голова и плечи находились на одном уровне – это положение улучшает кровоснабжение мозга. Не делайте резких движений.

Можно попробовать зафиксировать взгляд на неподвижном предмете или просто закрыть глаза. Ну, и конечно, если головокружение не вызвано объективными причинами, долго не проходит, повторяется через некоторое время – срочно обращайтесь к врачу-неврологу.

**Материалы основаны на данных Интернета**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2008 йил 29 январдаги 1-сон мажлис қарорига асосан, лицензиатларнинг аризалари инобатга олиниб, уларга тиббий фаолият кўрсатиш учун берилган рухсатнома (лицензия)нинг амал қилиши тугатилган қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар ҳақида ахборот**

| № | Корхона номи, почта манзили, врачнинг Ф. И., ихтисослиги, тураржойи | Рухсатнома (лицензия) рақами | Берилган санаси | Рухсатнома (лицензия)нинг амал қилиши тугатилган сана |
|---|---|---|---|---|
| 1. | "TIBBIY XIZMAT" хусусий корхонаси – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал-Кунаева кўчаси, 36-уй, 5-хонадон | 4044-тиб. сонли лицензия | 2004 йил 6 декабрда | 2008 йил 29 январдан |
| 2. | "Гомеопатия маркази" ёпиқ акциядорлик жамияти – Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 11-уй | 2572-рақамли "вақтинчалик рухсатнома" | 2001 йил 27 февралда | 2008 йил 29 январдан |
| 3. | Акрамов Абдухаким – врач офтальмолог – Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шурабадская кўчаси, 61-уйда яшовчи | 3521-рақамли "вақтинчалик рухсатнома" | 2001 йил 22 августда | 2008 йил 29 январдан |
| 4. | Вахабова Дилорам – врач офтальмолог – Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 83-уйда яшовчи | 3522-рақамли "вақтинчалик рухсатнома" | 2001 йил 22 августда | 2008 йил 29 январдан |
| 5. | "ДОКТОР KIM" хусусий фирмаси – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 74-уйда жойлашган | 2365-тиб. сонли лицензия | 2001 йил 22 августда | 2008 йил 29 январдан |
| 6. | "OTUSH" хусусий фирмаси – Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Дониш кўчаси, 4-мавзе, 1-уйда жойлашган | 2568-рақамли "вақтинчалик рухсатнома" | 2001 йил 27 февралда берилган | 2008 йил 29 январдан |
| 7. | Ковалёва Валентина – врач педиатр – Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, 1-Пилла кўчаси, 169-уйда яшовчи | 3687-рақамли "вақтинчалик рухсатнома" | 2002 йил 10 майда берилган | 2008 йил 29 январдан |

**Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорларига асосан, тиббий фаолият кўрсатиш жараёнида йўл қўйган қўпол хато ва камчиликлари аниқланган, шунингдек, лицензиясида рухсат этилмаган фаолият тури билан шуғулланган қуйидаги юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилган ва тўхтатилганлар ҳақида ахборот**

| Фирма номи, почта манзили, врачнинг Ф.И., ихтисослиги, тураржойи | Лицензия рақами | Берилган санаси | Лицензиянинг амал қилиши тугатилган сана |
|---|---|---|---|
| "Умид тиббиёт маркази" хусусий фирмаси – Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси, 5-уй, 2-хона | 2671-тиб. | 2004 йил 18 июнда | Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2008 йил 7 январдаги 18-0707/15552-сонли ҳал қилув қарори |
| Джалалов Саидахмад – стоматолог-жарроҳ – Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Сотволдиев кўчаси, 1-уй | 1602-уз. | 12.07.2002 йилда | Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2008 йил 1 февралдаги 15-07-09/22731-сонли ҳал қилув қарори. |
| "NURIDDIN-RA'NO TIBBIYOT" хусусий корхонаси – Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниязбош ш/х, М. Каримов кўчаси, 17-уй | 5288-тиб. | 1.03.2006 йилда | Тошкент вилояти Хўжалик судининг 07.02.2008 йилдаги 11-0816/668-сонли ҳал қилув қарори. |

| Врачнинг Ф.И., ихтисослиги, тураржойи, фирма номи, почта манзили | Лицензия рақами | Берилган санаси | Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган сана |
|---|---|---|---|
| Шарапова Уғул – стоматолог-терапевт – Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Ғала Осиё шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 4-уй | 4154. | 16.04. 2004 йилда | Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 20 декабрдаги 20-0709/11113-сонли ҳал қилув қарори асосида 4154-сонли лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ойлик муддатга тўхтатилди. |
| Гулямова Мавлуда – педиатр – Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Жувозқоғоз кўчаси, 105-уй | 4369. | 23.03. 2005 йилда | Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 20-0708/11144-сонли ҳал қилув қарори асосида 4369-сонли лицензиянинг амал қилиши 6 (олти) ойлик муддатга тўхтатилди. |
| Насритдинова Мавлуда – акушер-гинеколог – Бухоро вилояти, Ғала Осиё шаҳри, Бухоро кўчаси | 4030. | 28.08. 2003 йилда | Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 7 январдаги 20-0710/10997-сонли ҳал қилув қарори асосида 4030-сонли лицензиянинг амал қилиши 3 (уч) ойлик муддатга тўхтатилди. |
| Давранов Нарзи – кардиолог – Бухоро вилояти, Жондор тумани, Навоий ж/х, Хумин қфй, Қалмоқ қишлоғи | 4292. | 08.10. 2004 йилда | Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 9 январдаги 20-0709/11112-сонли ҳал қилув қарори асосида 4292-сонли лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ойлик муддатга тўхтатилди. |
| Джалалов Саидахмад – стоматолог-жарроҳ – Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Сотволдиев кўчаси, 1-уй | 1602-уз. | 12.07. 2002 йилда | Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2008 йил 1 февралдаги 15-07-09/22731-сонли ҳал қилув қарори асосида 1602-уз-сонли лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ойлик муддатга тўхтатилди. |

**Ф. ИЛҲОМОВ,**
**Лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи.**

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга (i) шартли белгиси қўйилган.
Адади 8474 нусха. Буюртма Г-250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 22.00. 1 2 3 4 6 7 8